ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 543 Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 20 октябрдаги ПҚ–2637-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги янги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

патент божлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов ҳисобига белгиланган тартибда шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги «Intellekt Ekspert» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Интел ектуал мулк агентлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк соҳасидаги кадр-



WWW.LEX.UZ

ларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказига қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июндаги 166-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 47-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Инте лектуа  мулк агент иги А  ия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 24 ноябрь,
394-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 24 ноябрдаги 394-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида
## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун арига, Ўзбекистон Респуб икаси Олий Маж иси па ата ари қарор- арига, Ўзбекистон Респуб икаси Прези ентининг фармон ари, қарор ари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ари ва фармойиш арига, бошқа қонун ҳужжат арига ҳам а ушбу Низомга амал қилади.



WWW.LEX.UZ

3. Агентлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади, шунингдек Бутунжаҳон интел ектуал мулк ташкилотида ва интел- ектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

4. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, банк, шу жумладан, валюта ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## 2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

интел ектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Давлат патент фондини ва интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, уларнинг сақланишини ҳамда иқтисодиёт реал секторининг хўжалик юритувчи субъектлари, илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар томонидан самарали фойдаланилиши учун қулайлигини таъминлаш;

интел ектуал мулк соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат интерактив хизматлари кўрсатиш;

корхоналар ва ташкилотларга чет элдаги миллий интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича консультатив ва амалий кўмаклашиш, шунингдек интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

интел ектуал мулк соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

6. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

интел ектуал мулк соҳасида давлат сиёсати ва қонунчиликни такомил- аштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

ихтиролар, фой а и мо е ар, саноат намуна ари, се екция ютуқ ари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, электрон ҳисоблаш машиналари (кейинги ўринларда ЭҲМ



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 28 ноябрь ҳолатига



деб аталади), маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияси учун муҳофаза қилиш ҳужжатлари бериш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқишга қабул қилади;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номларини давлат экспертизасидан ўтказади, кўрсатилган объектларнинг устуворлигини белгилайди, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг расмий экспертизасини ўтказади;

ихтиролар, фой а и моде  ар, саноат намуна арини  ав ат рўйхати ан ўтказишни, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номларини рўйхатдан ўтказишни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказишни ҳамда интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, муҳофаза қилиш ҳужжатларини беради, Ўзбекистон Республикасида умумий маълум бўлган товар белгиларининг тегишли реестрларини ва Рўйхатини юритади;

ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига, берилган буюртманомаларнинг белгиланган товарларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича, муҳофаза қилиш ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лойиқлик шартларига мувофиқлигини белгилаш натижалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ихтисослаштирилган ташкилотлари хулоса ари асосида муҳофаза қи иш ҳужжат арини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

муҳофаза қилиш ҳужжатларининг ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди;

интел ектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги  ицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман ўзгага бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади ва тегишли реестрларни юритади;

интел ектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради, уларнинг сақланиши ва фойдаланилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

Давлат патент фондини бутлаш ишларини ташкил этади ва ўтказади, ундан иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар, и мий ташки от ар, о им ар ва мутахассис ар томони ан самара и фой аланиш учун унинг сақланиши ва қулайлигини таъминлайди;

Агент икнинг бю  етен арини ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материал арни чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади;



WWW.LEX.UZ

патент бўйича ваколатли вакилларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказади, патент бўйича ваколатли вакилларнинг давлат реестрини юритади;

интел ектуал мулк соҳасидаги қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

муал ифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун бузилишлари тўғрисида белгиланган тартибда хулоса беради;

тузилган шартномаларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳақида хулоса беради;

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун дастурларни тиклаш, реализация қилиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлашга лицензиялар беради, шунингдек лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

патент-ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатганлик учун тўлов миқдорларини бе ги анган тартиб а тас иқ айди;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида манфаатдор шахсларга методик ёрдам кўрсатади;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро кооперацияни ва ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича идоралараро ахборот ҳамкорлигини амалга ошира и;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳаси а мутахассис арни қайта тайёр аш ва у арнинг ма акасини оширишни ташкил этади, интеллектуал мулк соҳасида кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

интел ектуал мулк соҳасида фаолиятни ривожлантириш ва такомил аштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилади ва уларда қатнашади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш учун интел ектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилишнинг мақсади ва аҳамиятини кенг тушунтириш тадбирларини амалга оширади;

қонунчиликка мувофиқ интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича жисмоний ва юри ик шахс арнинг мурожаат арини кўриб чиқа и;

интел ектуал мулк масалалари бўйича халқаро ва миллий илмий анжуманлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилади ва уларда қатнашади;

интел ектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва улардан қонуний фойдаланиш тўғрисидаги масалаларда аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказади;



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 28 ноябрь ҳолатига



интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро шартномалар тузиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда киритади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириғига биноан мазкур шартномаларни имзолайди;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида тегишли халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан музокаралар олиб боради, белгиланган тартибда идоралараро шартномалар тузади;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида хорижий патент идоралари, халқаро минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан патент ҳужжатларини ва патент-ҳуқуқий адабиётларни халқаро алмашишни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланишни ташкил этади;

интел ектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади ҳамда ушбу ҳамкорлик доирасида интеллектуал мулк объект арини ҳуқуқий муҳофаза қи иш ва у арга бў ган ҳуқуқ арни ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ишларида қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларидан ке- иб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз вако ат ари оираси- да таъминлайди.

## 3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташки- отлардан, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

ўз ваколатлари доирасида лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этишни юкловчи кўрсатмалар бериш;

ихтирочилик ва ижодиётнинг бошқа турлари соҳасидаги улкан ютуқлар учун Ўзбекистон Респуб икасининг фахрий унвон арини бериш тўғрисида бе гиланган тартиб а таклиф ар киритиш;

ихтиролар, фой а и мо е ар, саноат намуна ари, се екция ютуқ ари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияси юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материалларни буюртмачилардан белгиланган тартибда сўраш;



WWW.LEX.UZ

интел ектуал мулк объектлари юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, кўрсатиб ўтилган масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш учун буюртмачи- арни ва у арнинг ваки арини так иф этиш;

бе гиланган тартиб а ношир ик фао иятини ама га ошириш, инте ектуал мулк соҳасидаги илмий-методик ва ахборот материалларини, даврий нашрларни ҳамда бошқа матбаа маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш;

интел ектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун мам акатимиз аги ва хорижий мутахассис арни шартнома асоси а жа б этиш;

бюджетдан ташқари маблағлар жамғармаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шакллантириш;

ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Агентлик, зарур ҳол арда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

9. Агентлик:

ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

ихтиролар, фой а и мо е ар, саноат намуна ари, се екция ютуқ ари, товар белгилари, хизматлар кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, интеграл микросхемалар топологиялари бўйича буюртманомаларни давлат экспертизасидан ўтказишнинг ўз вақтидалиги, сифати ва махфийлиги;

бюджет маблағларидан ва патент божлари ундириш маблағларидан, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов тушумларидан ҳамда Агентлик тасарруфида қоладиган бошқа маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан жавоб беради.

## 4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

10. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан авозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси то-



WWW.LEX.UZ

монидан белгиланган тартибда авозимга тайинланадиган ва авозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

Бош директор моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосари — вазир ўринбосарига тенг аштири а и.

11. Бош директор:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ходимларнинг умумий сони доирасида Агентлик тузилмасига ўзгартиришлар киритади, Агентликнинг штатлар жадвалини, шунингдек харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Агент ик хо им арининг авозим вазифаларини белги анган тартиб а тасдиқлайди;

Агентлик ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

ўз ваколатлари доирасида Агентлик ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

патент бож ари, ЭҲМ учун астурларни ва маъ умот ар база арини рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов ҳисобига белгиланган тартибда шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда Агентлик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади, ходим арни мо ий рағбат антириш ва Агентликнинг жорий таъминоти бю жетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

13. Агентликда Бош директор (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Бош директор тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тас иқ ана и.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Агентлик фаолиятининг интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича ушбу Низомда назарда тутилган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;



WWW.LEX.UZ

Агентлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари а, Ўзбекистон Респуб икаси Вазир ар Маҳкамаси қарор а-ри ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга ошири-ишини таъмин аш юзаси ан Агентлик раҳбар ари ва хо имларининг шахсий масъулиятини ошириш.

Ҳайъат Агентлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Бош директорнинг буйруқлари билан амалга ошири-ади.

Бош директор ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, Бош директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда, мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзма шаклда маъ ум қи иш ари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

14. Агентликда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар топологиялари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарнинг келиб чиқиш жойлари номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни, шунингдек товар белгиларини Ўзбекистон Республикасида умумий эътироф этилган деб тан олиш тўғрисидаги аризаларни судгача кўриб чиқиш учун Апелляция кенгаши тузилади.

Апел яция кенгаши таркибига Бош директор, унинг ўринбосарлари, Агентликнинг энг малакали ва тажрибали ходимлари, шунингдек интеллектуал мулк соҳасидаги мустақил олимлар ва мутахассислар киради.

Ўзбекистон Республикаси Интел ектуал мулк агентлигининг Апел яция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

15. Инте ектуа му к объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим масалалари бўйича муаммоларни илмий таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун Агентликда унинг юқори малакали ходимларидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа таш-



WWW.LEX.UZ

Ҳужжат 2016 йил 28 ноябрь ҳолатига



килотлар вакиллари, интеллектуал мулк соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассис ар ан И мий-техника кенгаши тузи а и.

Илмий-техника кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Агент ик бош  иректори томони ан тас иқлана и.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини, таълим муассасаларининг ўқитувчилар таркибини, патент соҳасидаги ваколатли ходимларни, тадбиркорлик субъектларини ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа манфаатдор шахсларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Агентлик ҳузурида Интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилади.

Интел ектуал мулк соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказининг устави Агентлик бош директори томонидан тасдиқланади.

17. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ